2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 88 (88), 2020 йил 21 май, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Рақамли иқтисодиёт

## ТАРАҚҚИЁТ ЛОКОМОТИВИ

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
академик

**Ҳозирги дамда кундалик ҳаётни, замонавий тараққиётни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Илм-фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган бу йўналиш барча соҳа ва тармоқлар фаолиятига жадал кириб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, келгусида бу жараён янада тезлашади, “рақамли иқтисодиёт”, “рақамли технологиялар” тушунчалари ва улар билан боғлиқ муносабатлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланади.**

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш республикамиз учун келгуси беш йилдаги энг устувор вазифалардан бирига айланишини алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Чунки дунёдаги инсон ақлини лол қолдирадиган кўпгина кашфиётларни ўзида мужассам этадиган рақамли иқтисодиёт яқин йиллар ичида ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражасини кўрсатадиган асосий кўрсаткичлардан бирига, тараққиёт локомотивига айланади. Юртимизда ана шундай иқтисодиётга ўтиш йўлида шу йилнинг ўзида салмоқли амалий қадамлар ташланди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилингани ҳамда шу муносабат билан махсус давлат дастури қабул қилиниб, уни амалга ошириш бўйича кенг кўламли амалий ишлар бошлаб юборилгани бу фикрнинг тасдиғидир.

Албатта, рақамли иқтисодиётнинг кўпинча қўлда, ибтидоий усулда ёки кейинги даврлардаги техника ва технологиялар ёрдамида бошқариладиган анъанавий иқтисодиётдан фарқи шундаки, у кўпроқ онгли, билимли ва малакали, ақлли бошқарувга, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ютуқларга, илмий кашфиётларга асосланади. У кўпроқ жисмоний эмас, тизимлашган ақлий-интеллектуал меҳнат, ҳаракатни талаб этади, масофани, вақтни тежайди ва ҳар жиҳатдан қулай ҳамда самарадордир. Бунга бутун дунёни қамраб олган коронавирус пандемияси шароитида барчамиз гувоҳ бўлдик. Ўша кунлари кўпгина ташкилотлар фаолияти, хизматлар кўрсатиш уйдан ёки хизмат хонасидан чиқмасдан туриб, рақамли технологиялар асосида амалга оширилди. Айниқса, таълим, давлат хизматлари, банк соҳаси, давлат бошқаруви тизими, савдо ва бошқа ижтимоий хизматлар масофадан туриб, рақамли иқтисодиёт ютуқлари асосида олиб борилгани ўша мураккаб шароитда ҳам жамиятимизда ҳаётнинг бир маромда кечишига, одамларнинг энг муҳим эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилди.

Табиийки, ана шундай қулай, хавфсиз ва кафолатланган ҳаёт тарзига ўтиш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб келган. Қадимий эртак ва ривоятларни бир эсланг. Уларда алоҳида ноёб қобилиятга эга бўлган инсонларнинг ўтирган жойида ҳар хил ҳаракатлар билан очил дастурхон, қайнар хумча



ёки учар гиламларни чақириб, уларни бошқариб, ўзлари учун зарур бўлган эҳтиёжларни қондирганлари ана шундай ширин орзуларнинг хаёлий ифодаси эди. Бугунги кунда инсон ақл-заковатининг юксак даражада ривожланиши, илм-фан тараққиёти туфайли бир пайтлар эртак бўлиб туюлган воқеа-ҳодисалар ҳам реал ҳақиқатга айланмоқда. Экспертларнинг тахмин қилишларича, яқин уч йилда рақамли иқтисодиётга ўтиш янада жадаллашиб, жаҳондаги иш ўринларининг 22 фоизи интернет технологиялари орқали яратилади.

Шунинг учун бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимизнинг шу йил 28 апрелда қабул қилинган “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизда бу борада ҳуқуқий базани мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу қарор асосида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида рақамли иқтисодиёт билан шуғулланадиган бутун бир тизим ташкил этилди. Вазирлик “электрон ҳукумат”, иқтисодиёт тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини рақамлаштириш, ахборот технологиялари бўйича парклар яратиш ва уларни бошқариш бўйича ишларга ҳам раҳбарлик қиладиган бўлди. Қарорда “электрон ҳукумат” тизимида 104 та, иқтисодиётнинг реал секторида 87 та, телекоммуникациялар соҳасида 35 та, қишлоқ хўжалигида 24 та, ахборот технологиялари йўналишидаги парклар бўйича 18 та лойиҳа ҳамда уларнинг ҳар бири юзасидан маблағлар аниқ белгилаб берилгани бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўлами ва миқёси нақадар катта эканини яққол кўрсатиб турибди.

Президентимиз раислигида шу йил 11 май куни рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда ана шу вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишларнинг ҳолати атрофлича таҳлил қилинди. “Бу ишларни келгуси 2-3 йилда тўлиқ амалга оширмасак, ҳар бир кечиккан йилимиз мамлакатимизни 10 йил орқага тортади”, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам, келажакда ҳар бир миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорларидаги кескин рақобатга бардошли бўлиши бошқа омиллар қатори, аввало, унинг рақамлашиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Биз, таълим соҳаси вакилларини ҳаётимизнинг барча жабҳалари қатори ўзимиз меҳнат қилаётган ушбу тармоқда ҳам рақамлаштириш жараёнлари жадал олиб борилаётгани беҳад қувонтиради. Бу таълим соҳасининг келгусидаги муваффақиятли ривожини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан бири, десак хато бўлмайди.

Биргина жорий йилнинг ўзида оптик толали алоқа қамровини мактабгача таълим тизимида 41 фоиздан 100 фоизга, халқ таълимида 40 фоиздан 70 фоизга етказиш вазифаси белгилангани ва уларнинг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, минглаб боғчалар, умумтаълим мактабларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш имконини беради. Пандемия шароитида ўзимиз гувоҳ бўлдик: интернет орқали берилаётган онлайн дарс ва машғулотлар қулайлиги, таъсирчанлиги, болаларнинг қалби ва онгига тез етиб бориши билан алоҳида ажралиб туришини кўрсатди.

Йиғилишда келгуси ўқув йилида “1 миллион дастурчи” лойиҳасига 47 минг нафар ўқувчини қамраб олиш, соҳага замин яратиш учун мактабларда 7-синфдан бошлаб дастурлаш асосларини ўқитишни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Келажакда рақамли иқтисодиётни бошқариш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун замонавий фикрлайдиган, инновацион ёндашув ва ечимларни дадил қўллай оладиган кўплаб мутахассислар зарур бўлишини инобатга оладиган бўлсак, ёш фарзандларимизни мактабдан бошлаб ана шундай фан асосларига ўқитиб бориш ўта муҳимдир.

Олий ўқув юртлари тизимидаги тажрибамиздан яхши маълум: деярли барча йўналишдаги бўлғуси кадрларнинг малака даражаси ҳозирданоқ уларнинг ахборот-коммуникация технологияларини қанчалик чуқур эгаллагани билан белгиланмоқда. Бу талаб тараққиётимиз жадаллашиши, рақамли иқтисодиётга ўтишимиз тезлашиши билан янада ортиб бораверади. Шунинг учун биз, олий таълим соҳаси ходимлари олий ўқув юртларида бўлғуси мутахассисларни тайёрлашда яқин орада ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллайдиган рақамли иқтисодиёт, “ақлли” технологиялар талабларини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз керак. Қисқача айтганда, ҳам бугунги кун, ҳам келажак учун ишлашимиз зарур. Бунинг учун дарслик ва ўқув қўлланмаларини, ўқув машғулотларининг усул-услублари, маъно-мазмуни ва самарадорлиги, уларда қўлланадиган ахборот-коммуникация воситалари, технологиялари, янгича креатив ёндашувларни узлуксиз янгилаб, замон билан доимо ҳамқадам бўлиб боришимиз керак. Зеро, рақамли иқтисодиётнинг энг муҳим талабларидан бири ҳам шу. Бу вазифаларни самарали адо этсак, мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.